



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI KENGASHI QARORI

2020 yil “ 28 ” декабрь № VI-XXIV/121

### Фарғона вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодексига ва мазкур қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги ЖК36161001-сонли хатига асосан 2021 йил учун вилоят маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фарғона вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини лойиҳаси юзасидан вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи Назаров Восилжон Шухратовичнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилги Фарғона вилояти маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 910,1 млрд.сўм миқдоридан тасдиқланганлиги ҳамда Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари 2 904,9 млрд.сўм ва харажатлари эса 3 815,0 млрд.сўм миқдоридан кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 7 декабрдаги “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2020 йилги ижросини сифатли яқунлаш ҳамда тасдиқланган даромад ва харажатлар миқдорини ошириш тўғрисида”ги VI-XXII/117-сонли қарори қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2021 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари

тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги **инобатга олинсин.**

Шунингдек, 2021 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

- айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

- автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиғича ўтказилиши;

б) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

в) Қуйидаги солиқ турлари:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- айланмадан солиқ;

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган солиқ;

- якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

- бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетига тушадиган тушумлар шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлиғича ўтказиб берилиши;

г) Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига қуйидаги улушларда:



- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

- яқуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 20 фоизи;

- жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Фарғона шаҳридан ташқари барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

- юридик шахслар фойдасидан солиқ бўйича тушумларнинг фақат Фарғона шаҳрида 100 фоизи ўтказилиши белгиланганлиги **алоҳида кўрсатиб ўтилсин.**

5. Қуйидагилар:

- 2021 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

- 2021 йил учун Фарғона вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага;

- вилоятнинг вилоят бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага;

- туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига солиқ тушумларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага;

*Бунда,*

*ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин;*

*маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириши, янги иш ўринларини яратиши бўйича маъсулиятини ошириши орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириши ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириши мақсадида айланмадан солиқлар тўлиқлигича шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилсин.*

- 2021 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага;

- вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

*Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.*

6. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий



бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2021 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари **12,1 млрд.сўм** миқдорида тасдиқлансин.

Вилоят, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари захира жамғармалари маблағларини вилоятнинг вилоят бюджетида ҳамда шаҳарлар ва туманлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

7. 2021 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар ўтган йилга нисбатан ўзгаришсиз яъни **8,8 млрд.сўм** миқдорда ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 8-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ҳалқ депутатлари шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

8. Вилоятнинг вилоят бюджети, туман(шаҳар)лар бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча вилоят ҳамда туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари таклифлари асосида, Кенгашлар қарорларига асосан фойдаланилиши белгилансин. Бунда, шаклланадиган қўшимча манбалардан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш назарда тутилсин.

9. Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда **5 фоиздан** ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан мурожаат қилинсин.

Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўриладиган чоралар билан биргаликда тартибга



солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

10. Вилоят, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари ташаббуси билан қўшимча амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

11. Вилоят, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларини етарли даражада режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар ҳокимликлар томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев, Молия бош бошқармаси (Назаров), Давлат солиқ бошқармаси (Нисбатхонов) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда Фарғона вилоятининг 2021 йилги маҳаллий бюджети лойиҳасида белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидаги давлат молиявий назорати бошқармаси (Жўраев), Молия бош бошқармаси (Назаров) ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиб бориш, амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида ахборот бериб бориш вазибалари юклатилсин.

14. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар ҳар чоракда бюджет маълумотларининг очиқлигини таъминлаш ҳамда бюджет шаклланишида ва ижросида жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш юзасидан ҳудудларда муҳокамалар ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш чораларини кўрсин.

15. Белгилансинки:

барча туман ва шаҳар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2021 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш, тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва



бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушимини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

16. Вилоят молия бош бошқармаси (В.Назаров), Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Нисбатхонов), тегишли бошқарма ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилари билан биргаликда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия»си ҳамда вилоят Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб борилишини таъминласин.

17. Вилоят молия бош бошқармаси (В.Назаров) бюджет ижросининг очиқлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорагининг яқунларига кўра, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борсин.

18. Қуйидагилар:

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, солиқлар йиғилиши даражасини ошириш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш;

биринчи навбатда молиялаштириладиган (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар) харажатларни ўз вақтида молиялаштириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни, биринчи навбатда, олдинги йиллардан ўтувчи объектларни ишга туширишга йўналтириш маҳаллий ҳокимликларининг бюджет-молия соҳасидаги асосий вазифаси этиб белгилангансин.

бюджет даромади прогноз кўрсаткичларини ортиқча тўланган ва ундирилган солиқ суммалари ҳисобига бажарилишига йўл қўйилмасин.

19. Барча туман (шаҳар) ҳокимлари:

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»нинг 28-моддасида белгиланган бюджет соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

20. Вилоят Молия бош бошқармаси (В.Назаров) туман (шаҳар) молия бўлимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»нинг 30-моддасида белгиланган бюджет соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқиб:



солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга ошириш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

тегишли бюджетларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатларини мақбуллаштиришни амалга ошириб бориш чораларини кўриб борсин.

#### 21. Белгилансинки:

давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш (улардан фойдаланиш) шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга молия йили давомида йўналтириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмасдан молия йили давомида тўловларни амалга ошириш;

бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек пенсияларни етказиб беришни амалга оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асосиз кечиктириш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»нинг 187-моддасига асосан бюджет интизомини бузиш ҳисобланади.

#### 22. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига:

маҳаллий ҳокимликлар, масъул бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2021 йил учун белгиланган бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминланиши, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар аҳволи бўйича депутатлик назоратини ўрнатсин.

Бунда амалга ошираётган ишларини мониторинг қилган ҳолда ўрганиб бориш, натижаларини маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари йиғилишлари ҳамда Кенгаш сессияларида маҳокама қилиш, соҳа масъуллари ва туман (шаҳар) ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш сессияларида ахборотларни тинглаб бориш тавсия этилсин.

23. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати, вилоят телерадиокомпанияси (Б.Обиджонов), “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (М.Обидов), вилоятдаги бошқа нодавлат теле ва радиоканаллар ҳамда босма нашрлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари муассислигидаги газеталарида маҳаллий ҳокимликлар, масъул бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2021 йил учун белгиланган бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминланиши, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур



чора-тадбирлар кўрилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишлари юзасидан амалга оширилаётган ишларини ёритиб бориш тавсия этилсин.

24. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Р.Камалов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев зиммасига юклансин.

**Сессия раиси**



**Р.Камалов**



Халқ депутатлари  
Фарғона вилояти Кенгашининг  
2020 йил « 28 » декабр даги  
VI-XIV/24 сонли қарорига  
1-илова

**Фарғона вилоятининг 2021 йилга ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари  
прогноз кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	2021 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	39 103
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	4,5
3.	Истьемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,3
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	1,3
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,6
6.	Жами хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиш суръати, фоизда	8,9



Халқ депутатлари  
 Фарғона вилояти Кенгашининг  
 2020 йил «28» декабрь даги  
 VI-XIV/121-сонли қарорига  
 2-илова

Фарғона вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг  
 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
<b>ЖАМИ</b>		<b>1 705 701 484,0</b>
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	124 297 229,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	764 248 460,0
4	Кўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	<b>236 052 797,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ</i>	236 052 797,0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	58 800 000,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	117 760 000,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	36 352 998,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	29 930 000,0
12	Давлат божи	106 110 000,0
13	Жарималар	65 500 000,0
14	Ижара тўлови	
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	16 000 000,0
16	Йиғимлар	150 650 000,0

Фарғона вилояти молия  
 бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров

  
 К.Теймуршайев.



2021 йил учун Фарғона вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Маблағ миқдори
	<b>Харажатлар миқдори, Жами</b>	<b>2 615 770 280,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 088 673 576,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	136 964 700,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 390 132 004,0
<b>1.</b>	<b>Халқ таълими бошқармаси</b>	<b>162 864 047,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>162 864 047,0</b>
	шундан:	
	"Ёшлик" спорт маркази харажатлари	214 454,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>2.</b>	<b>Мактабгача таълим бошқармаси</b>	<b>10 144 639,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>10 144 639,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>3.</b>	<b>Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси</b>	<b>982 005,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>982 005,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>4.</b>	<b>Соғлиқни сақлаш бошқармаси</b>	<b>475 070 640,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>475 070 640,0</b>
	шундан:	
	Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази филиали	2 127 648,0
	Болалар ижтимоий мослашуви маркази	1 097 800,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>5.</b>	<b>Маданият бошқармаси</b>	<b>37 083 935,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>37 083 935,0</b>
	шундан:	
	Мақом ва санъат мактаблари	12 958 300,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>6.</b>	<b>Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими</b>	<b>1 693 351,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 693 351,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>7.</b>	<b>Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси</b>	<b>17 895 501,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>17 895 501,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>8.</b>	<b>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси</b>	<b>10 315 228,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>10 315 228,0</b>
	шундан:	
	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	5 537 733,0
	Кўп қаватли уйларни лифт билан жиҳозлаш	980 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>9.</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги бошқармаси</b>	<b>2 377 730,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>2 377 730,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	



№	Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Маблағ микдори
10.	<b>Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси</b>	218 589 707,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	218 589 707,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	<b>Ўрмон хўжалик бошқармаси</b>	4 481 974,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	4 481 974,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	<b>Транспорт бошқармаси</b>	3 218 483,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	3 218 483,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	<b>Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси</b>	31 587 746,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	31 587 746,0
	шундан:	
	"Тоза худуд" Давлат унитар корхонаси	25 156 900,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	<b>Вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси</b>	6 775 624,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	6 775 624,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	<b>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Фарғона вилоят худудий бошқармаси</b>	480 143,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	480 143,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	<b>Ветеринария бошқармаси</b>	4 571 713,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	4 571 713,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	<b>Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят худудий бошқармаси</b>	1 412 262,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	1 412 262,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	<b>Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилоят худудий бошқармаси</b>	169 644,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	169 644,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	<b>Бандлик бош бошқармаси</b>	1 388 466,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	1 388 466,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	<b>Қурилиш бош бошқармаси</b>	2 559 480,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	2 559 480,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	<b>Адлия бошқармаси</b>	6 187 647,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	6 187 647,0
	шундан:	
	Давлат хизматлари Агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ФХДЁ бўлимлари сақлаш харажатлари	2 871 161,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	<b>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси</b>	10 903 032,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	10 903 032,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	<b>Молия бош бошқармаси</b>	1 398 730 454,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	8 598 450,0
	шундан:	
	Вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси харажатлари	2 642 121,0
	Худудий молия ва газна органларининг малака ошириш харажатлари	118 216,0



№	Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Маблағ микдори
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	3 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига тартибга солувчи трансфертлар	1 390 132 004,0
<b>24.</b>	<b>Махсус эксплуатация монтаж бўлими</b>	<b>2 771 142,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>2 771 142,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>25.</b>	<b>Давлат ҳокимият органлари</b>	<b>167 062 916,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>30 098 216,0</b>
	шундан:	
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	73 811,0
	Захира жамғармаси	12 120 163,0
	Қабуллар уйи	1 826 544,0
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси	566 827,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	136 964 700,0
<b>26.</b>	<b>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси</b>	<b>1 969 620,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 969 620,0</b>
	шундан:	
	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	157 568,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>27.</b>	<b>Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси</b>	<b>1 356 063,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 356 063,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>28.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят худудий бошқармаси</b>	<b>1 387 223,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 387 223,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>29.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси</b>	<b>4 251 415,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>4 251 415,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>30.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Фарғона вилояти бошқармаси</b>	<b>7 535 274,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>7 535 274,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>31.</b>	<b>Давлат архиви бошқармаси</b>	<b>2 383 460,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>2 383 460,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>32.</b>	<b>"Ўзагрокимёхимоя" худудий акциядорлик жамияти</b>	<b>1 533 749,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 533 749,0</b>
	шундан:	
	Чигиртка ва қизил капалакка қарши курашиш хизмати филиали ва Агрокимё станцияси	1 533 749,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>33.</b>	<b>Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси худудий бошқармаси</b>	<b>1 033 138,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>1 033 138,0</b>
	шундан:	
	Пенсия малака ошириш	34 470,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
<b>34.</b>	<b>Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси</b>	<b>8 536 671,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<b>жорий харажатлар</b>	<b>8 536 671,0</b>
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

№	Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Маблағ миқдори
35.	<b>Сайлов комиссиялари</b>	<b>51 125,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	51 125,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	<b>Ўсимликлар карантини худудий инспекцияси</b>	<b>1 023 242,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 023 242,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	<b>Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси</b>	<b>596 102,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	596 102,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	<b>Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш худудий бошқармаси</b>	<b>132 448,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	132 448,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39.	<b>Бошқа ташкилотлар</b>	<b>4 663 241,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 663 241,0
	шундан:	
	Мудофа бошқармаси ва худудий бўлинмалари ва вилоят махсус базаси сақлаш харажатлари	4 663 241,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Фарғона вилояти молия бош бошқармаси

В.Назаров



Бюджет даромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши бўйича  
ажратма меъёрлари

*Фоиз ҳисобида*

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Корхоналар айланмасидан солиқ	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи	Бензин, дизел ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиқ	Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан ер солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат мулк бўйича ижара тўловлари	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг бошқа тушумлари***
1	Фарғона шаҳар	100		100	100	20	100	100	50	100	100
2	Қўқон шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	100
3	Қувасой шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	100
4	Маргилон шаҳар	100	50	100		20	100	100	50	100	100
5	Олтиариқ тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
6	Боғдод тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
7	Бувайда тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
8	Бешарик тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
9	Қува тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
10	Учкўприк тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
11	Риштон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
12	Сўх тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
13	Тошлок тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
14	Ўзбекистон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
15	Фарғона тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
16	Данғара тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
17	Фурқат тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
18	Ёзёвон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100
19	Қўштепа тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	100

\*\*\* Ер участкаларига булган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари  
Бюджет ташкилотлари асосий военалари сотилишдан туман ва шаҳар бюджетига тушумлар  
Вилоятга (Коракалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан ташқари) бўйсунadиган туман ва шаҳар бюджетининг бошқа тушумлари

Фарғона вилояти молия бош бошқармаси бошлиғи

В.Назаров

*Х.К. 09.11.2020*

Халқ депутатлари  
Фарғона вилояти Кенгашининг  
2020 йил «28» декабрь даги  
VI-XXIV/121 -сонли қарорига  
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йил даромадлари ва  
харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

№	Худуд номи	Даромад	Харажат
<b>ЖАМИ</b>		<b>1 199 204 016,0</b>	<b>2 589 336 020,0</b>
1	Фарғона шаҳар	143 313 455,0	207 888 708,0
2	Қўқон шаҳар	130 320 099,0	236 847 157,0
3	Қувасой шаҳар	66 439 054,0	80 054 991,0
4	Маргилон шаҳар	82 883 043,0	179 100 933,0
5	Олтиариқ тумани	59 028 154,0	118 298 426,0
6	Боғдод тумани	51 400 019,0	134 664 706,0
7	Бувайда тумани	52 555 697,0	130 815 495,0
8	Бешариқ тумани	56 300 485,0	134 985 075,0
9	Қува тумани	68 494 285,0	176 769 701,0
10	Учкўприк тумани	61 710 102,0	139 267 855,0
11	Риштон тумани	52 012 800,0	131 545 232,0
12	Сўх тумани	19 919 052,0	75 410 987,0
13	Тошлоқ тумани	60 072 343,0	118 980 900,0
14	Ўзбекистон тумани	71 497 111,0	158 206 431,0
15	Фарғона тумани	61 580 534,0	135 215 901,0
16	Данғара тумани	48 291 951,0	116 527 903,0
17	Фурқат тумани	28 546 161,0	99 347 770,0
18	Ёзёвон тумани	35 413 032,0	90 997 022,0
19	Қўштепа тумани	49 426 639,0	124 410 827,0

Фарғона вилояти молия  
бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров



 (Элвонкучев)



Халқ депутатлари  
 Фарғона вилояти Кенгашининг  
 2020 йил «28» декабрь даги  
 VI-XXIV/121 -сонли қарорига  
 6-илова

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги юқори  
 бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро  
 трансфертлар миқдорлари**

		минг сўмда
№	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори жами
	<b>ЖАМИ</b>	<b>1 390 132 004</b>
	<i>шундан</i>	
1	Фарғона шаҳар	64 575 253
2	Қўқон шаҳар	106 527 058
3	Қувасой шаҳар	13 615 937
4	Маргилон шаҳар	96 217 890
5	Олтиариқ тумани	59 270 272
6	Боғдод тумани	83 264 687
7	Бувайда тумани	78 259 798
8	Бешариқ тумани	78 684 590
9	Қува тумани	108 275 416
10	Учкўприк тумани	77 557 753
11	Риштон тумани	79 532 432
12	Сўх тумани	55 491 935
13	Тошлоқ тумани	58 908 557
14	Ўзбекистон тумани	86 709 320
15	Фарғона тумани	73 635 367
16	Данғара тумани	68 235 952
17	Фурқат тумани	70 801 609
18	Ёзёвон тумани	55 583 990
19	Қўштепа тумани	74 984 188

Фарғона вилояти молия  
 бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров



Халқ депутатлари  
 Фарғона вилояти Кенгашининг  
 2020 йил «28» сентябрь даги  
 VI-XXIV/24 -сонли қарорига  
 7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг  
 кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
	<b>ЖАМИ</b>	<b>26 900 000,0</b>
	<i>шундан</i>	
1	Вилоят бюджети	8 830 000,0
2	Фарғона шаҳар	2 523 000,0
3	Қўқон шаҳар	2 094 000,0
4	Кувасой шаҳар	782 000,0
5	Маргилон шаҳар	1 586 000,0
6	Олтиариқ тумани	927 000,0
7	Боғдод тумани	821 000,0
8	Бувайда тумани	751 000,0
9	Бешариқ тумани	688 000,0
10	Кува тумани	1 034 000,0
11	Учкўприк тумани	767 000,0
12	Риштон тумани	812 000,0
13	Сўх тумани	247 000,0
14	Тошлоқ тумани	883 000,0
15	Ўзбекистон тумани	719 000,0
16	Фарғона тумани	987 000,0
17	Данғара тумани	727 000,0
18	Фурқат тумани	474 000,0
19	Ёзёвон тумани	479 000,0
20	Қўштепа тумани	769 000,0

Фарғона вилояти молия  
 бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров





Халқ депутатлари  
Фарғона вилояти Кенгашининг  
2020 йил « 28 » декабрь даги  
VI-XXIV/124 -сонли қарорига  
8-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар  
бўйича мутлоқ микдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига  
киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (минг.сўм)
1	Фарғона шаҳар	1,10	29 370,0
2	Кўкон шаҳар	1,10	29 370,0
3	Қувасой шаҳар	0,75	20 025,0
4	Маргилон шаҳар	0,75	20 025,0
5	Олтиариқ тумани	0,65	17 355,0
6	Боғдод тумани	0,63	16 821,0
7	Бувайда тумани	0,60	16 020,0
8	Бешариқ тумани	0,65	17 355,0
9	Қува тумани	0,75	20 025,0
10	Учкўприк тумани	0,63	16 821,0
11	Риштон тумани	0,60	16 020,0
12	Сўх тумани	0,60	16 020,0
13	Тошлоқ тумани	0,65	17 355,0
14	Ўзбекистон тумани	0,63	16 821,0
15	Фарғона тумани	0,63	16 821,0
16	Данғара тумани	0,63	16 821,0
17	Фурқат тумани	0,60	16 020,0
18	Ёзёвон тумани	0,60	16 020,0
19	Қўштепа тумани	0,63	16 821,0

Изоҳ: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар  
йигинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи  
коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Фарғона вилояти молия  
бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров

Халқ депутатлари  
Фарғона вилояти Кенгашининг  
2020 йил « 28 » декабрь даги  
VI-XXIV/121 -сонли қарорига  
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар сўмда

Т/р	Худуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2021 йил учун (минг.сўм)
1	Фарғона шаҳар	1,00	245,0
2	Қўқон шаҳар	1,00	245,0
3	Кувасой шаҳар	0,70	171,5
4	Маргилон шаҳар	1,00	245,0
5	Олтиариқ тумани	0,70	171,5
6	Боғдод тумани	0,62	151,9
7	Бувайда тумани	0,60	147,0
8	Бешариқ тумани	0,70	171,5
9	Қува тумани	0,72	176,4
10	Учкўприк тумани	0,62	151,9
11	Риштон тумани	0,60	147,0
12	Сўх тумани	0,55	134,8
13	Тошлоқ тумани	0,70	171,5
14	Ўзбекистон тумани	0,62	151,9
15	Фарғона тумани	0,62	151,9
16	Данғара тумани	0,62	151,9
17	Фурқат тумани	0,55	134,8
18	Ёзёвон тумани	0,55	134,8
19	Қўштепа тумани	0,62	151,9

Изоҳ: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Фарғона вилояти молия  
бош бошқармаси бошлиғи

 В.Назаров

